

"ЎзРТХБ" АЖ Бошқарувининг
2015 йил «б» майдаги 69-сонли
баённомасига 1-илова

Мазкур қоидалар рус тилида
тасдиқланган. Ҳужжатнинг
матни ўзбек тилига таржима
қилинган ва ахборот тусига эга.
Ноаниқликлар келиб чиққанида
ҳужжатнинг рус тилидаги
матнидан фойдаланилади.

"Ўзбекистон республика товар-хон ашё биржаси"
акциядорлик жамиятининг Арбитраж комиссияси тўғрисида
НИЗОМ (янги таҳрири)

Мундарижа:

- I. Умумий қоидалар
- II. Арбитраж комиссиясининг асосий принциплари ва вазифалари
- III. Арбитраж комиссиясига мурожаат қилиш ҳуқуқи ва иш қўзғатиш тартиби
- IV. Арбитраж комиссиясини тузиш тартиби ва унинг таркиби
- V. Арбитраж комиссиясининг ваколатлари ва у томонидан кўриб чиқиладиган масалалар.
- VI. Ариза тақдим этиш тартиби
- VII. Ариза юзасидан фикр билдириш
- VIII. Аризани қабул қилиш тартиби
- IX. Аризани қайтариш, уни иш юритишга қабул қилишни рад этиш ва арбитраж муҳокамаси бўйича иш юритишни тугатиш
- X. Низоларни кўриш ва қарор қабул қилиш тартиби
- XI. Арбитраж комиссиясининг қарори
- XII. Арбитраж комиссиясини қарорини қайта кўриш тартиби
- XIII. Яқуний қоидалар

Мазкур Низом "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.08.2016 йил кунги 249-сонли қарори, "ЎзРТХБ"да биржа савдоларини ўтказиш Қоидалари, "ЎзРТХБ"да электрон кўргазма-ярмарка савдоларини ўтказиш Қоидалари", "Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси" АЖ (кейинги ўринларда Биржа деб аталади) Уставга мувофиқ ишлаб чиқилган ва Арбитраж комиссияси таркибини шакллантириш, биржа ва кўргазма-ярмарка савдоси битимлари юзасидан келиб чиққан низоларни кўриш учун қабул қилиш ва ушбу Низомга мувофиқ Арбитраж комиссияси ваколатига киритилган бошқа масалаларни кўриб чиқиш тартибини белгилайди.

I-боб. Умумий қоидалар

1. "Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси" АЖ Арбитраж комиссияси (кейинги ўринларда комиссия деб аталади) Биржанинг доимий фаолият кўрсатувчи органи ҳисобланади.

2. Комиссия ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, ушбу Низом ва Биржанинг локал ҳужжатларига амал қилади. Низоли муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари мавжуд бўлмаган ҳолларда Комиссия ўхшаш муносабатларни тартибга

солувчи қонун ҳужжатларини (қонун ўхшашлиги) қўллайди, улар мавжуд бўлмаганда эса қонун ҳужжатларининг умумий негизлари ва мазмунидан (ҳуқуқ ўхшашлиги) келиб чиқади

II-боб. Комиссиянинг асосий принциплари ва вазифалари

3. Комиссиянинг келишмовчиликлар ва низоларни кўриб чиқишдаги асосий принциплари қуйидагилар ҳисобланади:

қонунийлик;

мустақиллик;

Арбитраж муҳокамаси маълумотларининг сир тутилиши;

холислик;

диспозитивлик;

Арбитраж муҳокамасида тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги;

низони келишув йўли билан ҳал этишда тарафларга кўмаклашиш.

4. Комиссиянинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Комиссия ваколатига киритилган низоларни объектив, тўғри ва тез (оператив) ҳал қилиш;

биржа ва кўргазма-ярмаркаларда тузилган битимларнинг (шартномаларнинг) фойдалилигини ошириш, уларнинг тарафлар ўртасидаги хўжалик алоқалари ва бошқа муносабатлардаги ролини кучайтириш;

биржа фаолияти доирасида ҳуқуқий профилактикани амалга ошириш, биржа ва кўргазма-ярмарка савдолари иштирокчилари ва уларнинг мижозларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилинишига кўмаклашиш;

биржа Бошқарувига биржа фаолиятига оид амалдаги норматив ва локал ҳужжатларни такомиллаштириш ва биржанинг нуфузини оширишга қаратилган таклифлар бериш.

III-боб. Арбитраж комиссиясига мурожаат қилиш ҳуқуқи ва иш қўзғатиш тартиби

5. Биржа ва кўргазма-ярмарка савдолари иштирокчилари ва уларнинг мижозлари биржа ва кўргазма-ярмаркаларда тузилган битимлар доирасида ўзларининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун ушбу Низомда белгиланган тартибда Комиссияга мурожаат қилишга ҳақли.

6. Комиссия биржа ва кўргазма-ярмаркаларда тузилган битимлар доирасида ушбу Низомда белгиланган тартибда қуйидаги асосларга кўра иш қўзғатади:

биржа ва кўргазма-ярмаркалар савдолари иштирокчилари (брокер, агент ёки унинг мижози) аризалари;

биржа таркибий бўлинмаларининг улар фаолиятига алоқадор масалалар бўйича мурожаатлари;

давлат органлари ва бошқа органларнинг мурожаатлари, агар қонун бўйича улар давлат ва жамият манфаатларини кўзлаб Комиссияга мурожаат қилиш ҳуқуқга эга бўлсалар.

IV-боб. Арбитраж комиссиясини тузиш тартиби ва унинг таркиби

7. Комиссия 5 та комиссия аъзосидан иборат бўлади.

8. Комиссия таркиби биржа Бошқаруви томонидан тасдиқланади.

9. Комиссия таркибига комиссия раиси, комиссия раисининг ўринбосари, комиссия аъзолари. Комиссия аъзоларидан бири комиссия котиби вазифасини бажаради. Биржа аъзолари ҳам Комиссия аъзоси бўлиши мумкин. Комиссия таркиби биржа Бошқаруви томонидан тасдиқланади.

10. Комиссия уч йил муддатга тайинланади.

11. Айрим ҳолларда биржа Бошқарувининг қарори асосида Комиссия таркиби вақтинчалик тасдиқланиши мумкин.

12. Комиссия аъзолиги биржа Бошқарувининг қарори билан муддатидан олдин куйидаги ҳолларда тугатилиши мумкин:

Комиссия аъзосининг қониқарсиз фаолияти ҳужжатлар билан тасдиқланган аниқланган тақдирда ушбу Низомнинг 13 бандига мувофиқ;

Комиссия аъзосининг аризасига асосан.

13. Комиссия аъзосининг иши қониқарсизлиги аниқланган тақдирда Комиссия раиси унинг фаолиятини муддатидан олдин тугатиш ҳақида биржа Бошқарувиغا билдирги (рапорт) билан мурожаат қилади. Билдиргига Комиссия аъзоси ишининг қониқарсизлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

14. Комиссия раиси:

биржа ва кўргазма-ярмарка битимлари (шартномалари) юзасидан келиб чиққан низоларни ушбу Низом талаблари асосида ҳал этилиши бўйича Комиссиянинг ишини ташкил қилади;

келиб тушган аризаларни кўриб чиқиш муддатларига риоя этилишини назорат қилади;

биржа ва кўргазма-ярмарка битимлари (шартномалари) юзасидан келиб чиққан низоларни ушбу Низомга мувофиқ объектив, тўғри ва тез (оператив) ҳал этилишини таъминлайди;

ушбу Низомда белгиланган тартибда аризаларни иш юритишга қабул қилади, ҳаракатсиз қолдиради, қайтаради ёки аризаларни иш юритувга қабул қилишни рад қилади Комиссия мажлисларида раислик қилади;

Комиссиянинг чиқиш ҳужжатларини имзолаш ҳуқуқига эга бўлади;

Комиссия фаолиятини такомиллаштириш бўйича биржа бошқарувиغا таклифлар киритади;

Комиссия томонидан амалга оширилган ишлар юзасидан биржа Бошқаруви олдида ҳисобот беради.

15. Комиссия раиси ёки унинг ўринбосарининг йўқлигида раислик қилувчи мажлисда иштирок этаётган Комиссия аъзолари ичидан оддий кўпчилик овоз билан сайланади ва бу ҳақда Комиссиянинг ҳал қилув қарорида қайд этилади.

16. Комиссия раисининг ўринбосари:

биржа ва кўргазма-ярмарка битимлари (шартномалари) юзасидан келиб чиққан низоларни ушбу Низомга мувофиқ қонуний ҳал этилишини таъминлайди;
арбитраж амалиётини умумлаштиришни амалга оширади ва комиссия раисига Комиссия фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар беради;
комиссиянинг ҳал қилув қарорларини тузишга кўмаклашади;
Комиссия раисининг йўқлигида унинг вазифасини бажаради.

17. Комиссия аъзоси:

биржа ва кўргазма-ярмарка битимлари (шартномалари) бўйича низоларни ушбу Низомга мувофиқ қонуний ҳал этилишини таъминлайди;
арбитраж амалиётини умумлаштиришни амалга оширади ва комиссия раисига Комиссия фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар беради;
Комиссия раиси ёки унинг ўринбосарининг йўқлигида ушбу Низомнинг 17-бандида белгиланган тартибда Комиссия мажлисларда раислик қилади.

18. Комиссия аъзоси - котиб:

Комиссияга келиб тушган аризаларни ва мурожаатларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, ҳисоботини юритиш ва уларни умумлаштиришни ташкил қилади;
аризаларни ўз муддатида Комиссияга тақдим этилиши устидан назорат қилади.
ишларни кўриб чиқишга тайёрлайди;
тарафларни Комиссия мажлиси вақти ва жойи тўғрисида Биржа аъзосига Комиссия раиси томонидан имзоланган хабарномани бевосита топшириш ёки электрон алоқа воситаси орқали юбориш йўли билан хабардор қилади;
Комиссия мажлиси вақти ва жойи тўғрисида Комиссия аъзоларини хабардор қилади;
Комиссиянинг ҳал қилувлари лойиҳаларини тайёрлайди;
низони мазмунан ҳал этиш учун зарур бўлган қўшимча ҳужжатларини йиғишда Комиссия аъзоларига кўмаклашади.
Комиссия аъзоларига арбитраж амалиётини умумлаштириш учун зарур бўлган маълумотларни тақдим этади;
иш юритиш ва Комиссия архиви ишини юритади.
Комиссия раисининг қонуний кўрсатма ва топшириқларини бажаради.
V-боб Арбитраж комиссиясининг ваколатлари ва у томонидан кўриб чиқиладиган масалалар.

19. Комиссия ваколатига қуйидаги масалалар киради:

биржа ва кўргазма-ярмарка савдоларини амалга ошириш жараёнида тарафларнинг муносабатларини тартибга солувчи биржа ва кўргазма-ярмарка олди-сотди шартномалари тарафларининг мажбуриятларни бажариш юзасидан келишмовчиликлар ва низоларни судгача кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, "ЎзРТХБ"да биржа савдоларини ўтказиш Қоидалари, "ЎзРТХБ"да электрон кўргазма-ярмарка савдоларини ўтказиш Қоидалари ва биржанинг бошқа локал ҳужжатларда кўрсатилган асослар бўйича шартномаларни бекор қилиш;

биржа ва кўргазма-ярмарка савдолари иштирокчилари (брокерлар, агентлар ёки уларанинг мижозлари)нинг биржада ўтказиладиган савдоларда маҳсулотларни сотиш ёки сотиб олиш бўйича чекловлардан норозилиги ҳақидаги аризаларни кўриб чиқиш;

биржа таркибий тузилмаларининг низоларни уларга тааллуқли қисми бўйича мурожаатларини кўриб чиқиш;

давлат органлари ва бошқа органларнинг агар қонун бўйича улар давлат ва жамият манфаатларини кўзлаб Комиссияга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлсалар мурожаатларини кўриб чиқиш;

Комиссия ваколатига киритилган бошқа масалалар.

20. Комиссия:

сотувчи томонидан шартнома мажбурияти бажарилмаганлиги учун жарима ундириш тўғрисидаги низоларни;

сотиб олувчи томонидан шартнома мажбурияти бажарилмаганлиги учун жарима ундириш тўғрисидаги низоларни;

биржа таркибий тузилмалари ҳамда биржа ва кўргазма-ярмарка иштирокчилари ўртасидаги савдо иштирокчиларини савдога қатнашишини чеклаш ҳақидаги қисми бўйича низоларни;

биржа таркибий тузилмалари ҳамда биржа ва кўргазма-ярмарка иштирокчилари мижозлари ўртасидаги савдо иштирокчиларини савдога қатнашишини чеклаш ҳақидаги қисми бўйича низоларни;

биржа аъзолари мижозларининг, агентларнинг унинг номидан савдоларда ноқонуний иштирок этилганлиги (мижознинг буйруғисиз ёхуд буйруқда кўрсатилгандан бошқача товарлар сотилганлиги ёки сотиб олинганлиги) сабабли шартномани бекор қилиш ҳақидаги аризаларини;

Комиссия томонидан қўзғатилган иш мавжуд бўлган ҳолларда биржа ва кўргазма-ярмарка иштирокчиларининг бир-бирларига жарима қўлламаган ҳолда шартномани ўзаро ёпиш, шартнома шартларини ўзгартириш ҳақидаги аризаларини;

биржа ва кўргазма-ярмарка савдолари иштирокчиларининг асоссиз ундирилган жарималарни қайтариш ҳақидаги аризаларини;

биржа ва кўргазма-ярмарка савдолари сотиб олувчиларининг ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бўйича, жарима қўлламаган ҳолда шартномаларни бекор қилиш ҳақидаги аризаларини;

биржа Маклериатининг биржа савдоларини ўтказилмаган деб топиш ҳақидаги мурожаатларини;

кўрғазма-ярмарка савдолари бўлими, шунингдек Биржа томонидан рўйхатга олинган электрон кўрғазма-ярмарка савдоси барча иштирокчиларининг савдолардан четлаштириш, электрон кўрғазма-ярмарка савдоси ноҳалол иштирокчилари реестрига киритиш ҳақидаги мурожаатларини;

кўрғазма-ярмарка савдолари бўлими, шунингдек биржа томонидан рўйхатга олинган электрон кўрғазма савдоси барча иштирокчиларининг кўрғазма-ярмарка савдолари битимларини ўтказилмаган деб топиш ҳақидаги мурожаатларини; фавкулотда ҳолат юз берган деб топиш ҳақидаги мурожаатларни; давлат органлари ва бошқа органларнинг, агар қонун бўйича улар давлат ва жамият манфаатларини кўзлаб Комиссияга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлсалар мурожаатларини кўриб чиқади.

21 . Комиссия:

электрон кўрғазма-ярмарка савдоларида қатнашишдан четлаштирилиш;
электрон кўрғазма-ярмарка савдоси ноҳалол иштирокчилар реестрига киритиш;
шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги учун келгусида шартномани бекор қилган ҳолда сотувчилар ёки сотиб олувчилардан жарималар ундириш;
шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги учун келгусида шартномани бекор қилмаган ҳолда сотувчилар ёки сотиб олувчилардан жарималар ундириш;
жарима санкцияси ҳолда шартномани бекор қилиш; шартномани тиклаш (очиш) ва уни ижрога юбориш;

Комиссия томонидан қўзғатилган иш мавжуд бўлган ҳолларда биржа ва кўрғазма-ярмарка иштирокчиларининг келишуви билан бир-бирларига жарима қўлламаган ҳолда шартномани ўзаро ёпиш;

биржа ва кўрғазма-ярмарка иштирокчисининг ҳисоб рақамида пул маблағлари бўлмаган ҳолларда биржа ва кўрғазма-ярмарка шартномалари бўйича жарима сифатида асоссиз ундирилган пул маблағларини қайтариш, пул маблағларини ихтиёрий қайтариш ҳақида тавсия қилиш;

савдо натижаларини бекор қилиш, уларни ўтказилмаган деб топиш; иш янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўрилиши муносабати билан Комиссия томонидан илгари қабул қилинган ҳал қилув қарорни бекор қилиш;

савдоларни тўхтатиш ёки ўтказиш жараёнида фавкулотда ҳолат юз берганлиги сабабли савдо ва клиринг сессиялари натижаларини бекор қилиш ҳақида;

ижро этиш вақтида фавкулотда ҳолат юз берганлиги учун битимлар бўйича мажбуриятларни бажариш муддатларини ўзгартириш;

фавкулотда ҳолат юз берганлиги сабабли жарима қўлламаган ҳолда битимларни бекор қилиш ҳақида ҳал қилув қарорларини қабул қилади.

VI-боб. Ариза тақдим этиш тартиби

22. Биржа ва кўрғазма-ярмарка шартномаларини бажариш бўйича низолар келиб чиққан тақдирда, жарима қўллаш ҳақидаги аризалар етказиб бериш учун шартномада белгиланган муддат ўтгач, уч кундан кечиктирмасдан Комиссияга берилади.

23. Брокер (агент) ёки унинг миждози томонидан берилган аризалар биринчи имзо қўйиш ваколатига эга бўлган шахс ёки унинг вакили томонидан имзоланади.

Вакил томонидан имзоланган аризага аризани имзолаш ваколатини тасдиқловчи ишончнома, мижоз ва унинг брокери (агенти) ўртасида тузилган топширик шартномасининг нусхаси илова қилинади. Биржа аъзолари ўзларининг трейдерлари номидан Комиссия йиғилишларида ўз мижозларининг манфаатларини ишончномасиз ҳимоя қилишлари мумкин.

24. Ҳар қандай мурожаатлар (аризалар) Комиссияга электрон шаклда (сканер қилинган) биржа аъзоси ва унинг мижозининг махсус кабинетлари орқали Комиссиянинг махсус (arbitraj) кабинетига соат 17:00 га қадар юборилади.

Биржа битимларининг бажарилиши бўйича биржа аъзолари, биржа аъзолари мижозлари ўртасидаги ҳар қандай хабарномалар уларнинг махсус кабинетлари орқали амалга оширилиши лозим.

25. Такдим этилган аризаларда аризачининг талаблари, аризачининг у ёки бу талабини қаноатлантириш учун асослар ҳамда аризага илова қилинган ҳужжатлар рўйхати аниқ кўрсатилган бўлиши шарт.

26. Сотиб олувчининг сотиб олувчига нисбатан товар етказиб берилмаганлиги ёки қисман кам етказиб берилганлиги учун жарима санкциялари қўллаш ҳақидаги аризага қуйидагилар илова қилинади:

жарима санкцияси қўллаш ҳақидаги ариза нусхасини шартномадаги бошқа тараф (брокер ёки унинг мижозига) юборилганлигини тасдиқловчи далил;

шартнома нусхаси;

товарлар ўзининг автотранспортида (самовывоз) етказиб бериш кўзда тутилганда - сотиб олувчининг товар жўнатиладиган жойга келганлигини тасдиқловчи ҳужжат (масалан, сотиб олувчининг келганлигини сотувчи томонидан қайд қилинган ҳужжат, сотувчининг сотиб олувчи келганлигини қайд этишдан бош тортганлигини тўғрисида сотиб олувчига нисбатан аффилиланмаган шахс иштирокида тузилган далолатнома ва ҳ.к.);

товарларни темир йўл транспортида етказиб бериш кўзда тутилганда - темир йўл хизмати харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

аризачининг талаб ва важларининг асослилигини тасдиқловчи бошқа зарур ҳужжатлар.

27. Сотувчининг сотиб олувчига нисбатан товарларни танлаб олмаганлиги учун жарима санкциялари қўллаш ҳақидаги аризага қуйидагилар илова қилинади:

жарима санкцияси қўллаш ҳақидаги ариза нусхасини шартномадаги бошқа тараф (брокер ёки унинг мижозига) юборилганлигини тасдиқловчи далил;

шартнома нусхаси;

товарларни ўзининг автотранспортида (самовывоз) етказиб бериш кўзда тутилганда товарнинг юклаш учун тайёрлигини ҳақида сотиб олувчининг брокерига хабар юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

товарларни темир йўл транспортида етказиб бериш кўзда тутилганда - темир йўл хизмати харажатлари тўлови бўйича сотиб олувчининг қарзи мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат;

аризачининг талаб ва важларининг асослилигини тасдиқловчи бошқа зарур ҳужжатлар.

28. Биржа таркибий бўлинмаларининг уларга тааллуқли мурожаатларида Комиссияга мурожаат қилиш учун сабаб бўлган ҳолатлар аниқ кўрсатилиши ҳамда мурожаат сабабларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши керак.

29. Мажбуриятни бажариш мумкин бўлмай қоладиган ҳолатларни фавқулодда ҳолатлар деб тан олиш ҳақидаги мурожаатлар ва аризалар комиссияга ҳолат юз берган куннинг эртасидан кечиктирмай тақдим этилади.

Бунда фавқулодда ҳолатни асос қилган тараф комиссияга фавқулодда ҳолатнинг ҳаракатини, шунингдек ушбу ҳолат кўзда тутилмаган ёки енгиб бўлмайдиган характерга эга эканлигини тасдиқловчи ҳужжатларини тақдим қилиши шарт.

VII- боб. Ариза юзасидан фикр билдириш

30. Ўзига нисбатан ариза берилган биржа ва кўргазма-ярмарка савдолари иштирокчиси ёки унинг миждози Комиссияга тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда аризачининг важларига қарши ўз эътирозлари билдирилган фикрнома тақдим қилиши мумкин.

31. Фикрнома биринчи имзо қўйиш ваколатига эга бўлган шахс ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Вакил томонидан имзоланган фикрномага уни имзолаш ваколатини тасдиқловчи ишончнома илова қилинади.

VIII-боб. Аризани қабул қилиш тартиби

32. Комиссия томонидан низоларни кўриш ушбу Низомда белгиланган тартибда, фақатгина ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган шахсларнинг аризаси асосида амалга оширилади.

33. Келиб тушган ариза ва мурожаатлар Комиссия котиби томонидан алоҳида журналда (журнал шакли ушбу Низомнинг 1-сонли иловасида келтирилган) рўйхатга олинади.

34. Аризани иш юритишга қабул қилиш, ишни кўриш вақти ва жойини белгилаш ҳақидаги қарор Комиссия раиси томонидан ушбу ариза Комиссияга келиб тушган кундан бошлаб, резолюцияга тегишли белги қўйиш йўли билан (резолюция шакли ушбу Низомнинг 2-сонли иловасида келтирилган) бир банк куни ичида қабул қилинади.

35. Тарафлар Арбитраж муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида биржа аъзолари, агентлар ва уларнинг миждозларининг махсус кабинетлари орқали электрон шаклда хабардор қилинадилар. "Жўнатилди" белгиси мавжуд бўлса, тараф арбитраж муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган ҳисобланади.

IX-боб. Аризани қайтариш, уни иш юритишга қабул қилишни рад этиш ва арбитраж муҳокамаси бўйича иш юритишни тугатиш

36. Қуйидаги ҳолларда ариза ҳаракатсиз қолдирилади:

ариза уни имзолаш ваколатига эга бўлмаган шахс томонидан имзоланган бўлса;

арбитраж муҳокамасининг бошқа тарафига ариза нусхасининг юборилганлигини тасдиқловчи далллар тақдим этилмаган бўлса;

ариза ушбу Низомнинг 23-27-бандлари талаблари бузилган ҳолда берилган бўлса.

Аризани ҳаркатсиз қолдириш ҳақида Комиссия раиси томонидан ариза Комиссияга келиб тушган кундан бошлаб 2 банк кунидан кечиктирмасдан ажрим чиқарилади.

Ажримда аризани ҳаркатсиз қолдириш учун асослар ва ариза тақдим этишда бузилган Низом қоидалари кўрсатилади ҳамда камчиликларни тузатиш учун муддат берилади, муддатнинг давомийлиги ҳар бир аниқ ҳолат, аризадаги камчиликларнинг хусусияти, ҳамда уларни тузатиш учун реал имконият инобатга олинган ҳолда белгиланади.

Ажрим аризачига электрон шаклда унинг махсус кабинети орқали юборилади. Бир вақтнинг ўзида ажрим нусхаси Биржанинг ҲККП (Ҳисоб-китоб клиринг Палатаси)га маълумот учун юборилади.

Агар аризачи Комиссиянинг кўрсатмасига мувофиқ Низомнинг 23-27- бандларида санаб ўтилган барча талабларни белгиланган муддатда бажарса, ариза у дастлаб тақдим этилган кунда берилган ҳисобланади. Акс ҳолда ариза берилмаган ҳисобланади ва у Низомнинг 37-бандида белгиланган тартибда аризачига қайтарилади ва бу ҳақда ажрим чиқарилади.

37. Агар:

ариза бериш учун Низомнинг 22-бандида белгиланган уч кунлик муддат ўтган бўлса:

Комиссия томонидан иш қўзатилгунга қадар аризачи томонидан аризани қайтариш ҳақида ариза берилса,

аризани ҳаркатсиз қолдириш ҳақидаги Комиссия ажримида белгиланган муддатда йўл қўйилган камчиликлар бартараф этилмаса, тарафларнинг аризаси қайтарилади.

Дастлабки ариза Комиссияга келиб тушган кундан бошлаб 2 банк кунидан уни қайтариб олиш ҳақида ариза берилмаса ёки йул қўйилган камчиликларни бартараф учун берилган муддат ўтса, Комиссия раиси қайтариш асосларини кўрсатган ҳолда аризани қайтариш ҳақида ажрими читқаради.

Бир вақтнинг ўзида ажрим нусхаси "ЎзРТХБ" АЖ биржа битимлари бўйича Ҳисоб-китоб-клиринг хизмати тўғрисида"ги Қоидаларнинг 114-бандига мувофиқ битимни ёпиш учун Биржанинг ҲККПга юборилади.

38. Аризани қайтариш аризачининг айна шу тарафга нисбатан айна шу асослар бўйича судга мурожаат қилиши учун тўсқинлик қилмайди.

39. Агар:

ариза арбитраж муҳокамасининг иштирокчиси бўлмаган учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига таъсир қилса;

хўжалик судининг, умумий юрисдикция судининг ёхуд ҳакамлик судининг иш юритувида айна бир шахслар ўртасида, айна бир асослар бўйича ва айна бир предмет тўғрисида иш мавжуд бўлса;

айни бир шахслар ўртасида, айна бир асослар бўйича ва айна бир предмет тўғрисида хўжалик судининг, умумий юрисдикция судининг ва ҳакамлик судининг кучга кирган ҳал қилув қарори бўлса;

Низом 19-20-бандларига асосан мазкур масалани ҳал қилиш комиссиянинг ваколатига кирмаса аризани қабул қилиш рад этилади.

Аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисида Комиссия раиси томонидан ариза Комиссияга келиб тушган кундан бошлаб 2 банк кунидан кечиктирмасдан ажрим чиқарилади. Ажримда аризани қабул қилишни рад этиш асослари кўрсатилади. Шунингдек, ажрим чиқарилган кундан бошлаб 1 кун ичида биржанинг таркибий бўлимлари эътиборигауларга тааллуқли қисмлари етказилади.

40. Агар:

Комиссия томонидан иш қўзғатилиб, мазмунан ҳал қилув қарори қабул қилинганга қадар хўжалик судининг, умумий юрисдикция судининг ёхуд ҳакамлик судининг иш юритувида айна бир шахслар ўртасида, айна бир асослар бўйича ва айна бир предмет бўйича низо мавжудлиги аниқланса;

Комиссия томонидан иш қўзғатилиб, мазмунан ҳал қилув қарори қабул қилинганга қадар хўжалик судининг, умумий юрисдикция судининг ёхуд ҳакамлик судининг айна бир шахслар ўртасида, айна бир асослар бўйича ва айна бир предмет бўйича низо юзасидан қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжудлиги аниқланса;

иш бўйича мазмунан ҳал қилув қарори қабул қилинганга қадар аризачи ўз талабларидан воз кечса ва воз кечиш Комиссия томонидан қабул қилинса;

иш қўзғатилгандан кейин мазмунан ҳал қилув қарори қабул қилинганга қадар арбитраж муҳокамаси иштирокчилари ўртасида бир-бирларига жарима санкциялари қўлламадан, шартномани бекор қилиш ҳақида ёзма келишувга эришилса;

иш қўзғатилгандан кейин мазмунан ҳал қилув қарори қабул қилинганга қадар арбитраж муҳокамаси иштирокчилари ўртасида шартномани бекор қилиш ҳақида ёзма келишувга эришилса, Комиссия арбитраж муҳокамаси бўйича иш юритишни тугатади.

Иш юритишни тугатиш тўғрисида Комиссия иш юритиш асослари кўрсатилган ажрим чиқаради.

Иш юритиш тугатилган тақдирда айна бир шахслар ўртасида, айна бир асослар бўйича ва айна бир предмет юзасидан Комиссияга иккинчи марта мурожаат қилишга йўл қўйилмайди.

Х-боб. Низоларни кўриш ва қарор (ёки ҳал қилув қарори) қабул қилиш тартиби.

41. Қўзғатилган иш мавжуд бўлсагина, Комиссия у ёки бу низони ҳал қилишга киришади.

42. Аризани кўриб чиқиш муддати ариза иш юритишга қабул қилинган кундан бошлаб 10 банк кунидан ошмаслиги керак. Истисно тариқасида аризани кўриш муддати Комиссия раиси томонидан 3 та комиссия аъзолари томонидан имзоланган билдирги

асосида, биржа Бошқарувининг розилиги билан аризани кўриш муддати тугаган пайдан бошлаб яна 20 банк кунига узайтирилиши мумкин.

43. Комиссияда низолар очик мажлисда кўрилади. Тижорат сири ва ишчанлик обрўсига риоя этиш зарурати туғилган ҳолларда манфаатдор тараф Комиссия мажлиси бошлангунга қадар ишни ёпиқ мажлисда кўриш ҳақида сабаби кўрсатилган илтимоснома беришга ҳақли. Илтимоснома қабул қилинган тақдирда Комиссия мажлиси ёпиқ ҳолда ўтказилиши мумкин.

44. Комиссия тарафларни келишувга эриштириш учун ҳаракат қилиши керак. Келишувга эришилмаган тақдирда Комиссия низони мазмунан кўришга киришади. Бунда тарафлар арбитраж муҳокамасининг ҳар қандай босқичида келишувга эришишга ҳақли.

45. Комиссия мажлислари заруриятга қараб ўтказилади.

46. Тарафлар ёхуд уларнинг вакиллари Комиссия мажлисларида иштирок этишга, тушунтиришлар беришга, далиллар тақдим этишга ҳақли. Бунда низо мажлис вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинган тарафларнинг иштирокисиз кўрилишига йўл қўйилади, агар аризачи ёки унинг оппоненти томонидан ишни фақат улар ёки уларнинг вакиллари иштироки асосида кўриш ҳақида ариза мавжуд бўлмаса.

47. Муҳокамада иштирок этиш учун тарафлар ўз вакилларини уларни муҳокамада иштирок этиш ваколатлари белгиланган ишончнома асосида юборишлари мумкин. Бунда агар топшириқ шартномасида мижознинг манфаатини Комиссияда вакиллик назарда тутилган бўлса, мижознинг биржа вакили (брокери), унинг трейдери ёки агенти учун бундай ҳужжат талаб қилинмайди.

48. Низони тарафлар иштирокисиз ва улар томонидан келтирилган вазларни асословчи зарур далиллар тақдим этилмасдан кўриш имконияти бўлмаса, мажлисларда аризачи вакилининг иштирок этиши ёки ўз вазларни асословчи зарур далиллар тақдим этиш ҳақида Комиссия ўзининг махсус кабинети орқали биржа аъзосининг махсус кабинетига электрон шаклда сўровнома юборади.

49. Бир тарафнинг мажлисда келмаган ёки вазларини асословчи зарур далиллар тақдим этилмаган ҳолларда, Комиссия низони мавжуд далиллар асосида кўриб чиқади ва ҳал қилув қарори қабул қилади. Ҳал қилув қарори қабул қилишда Комиссия, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаб ва эътирозларига асос қилиб келтирган ҳолатлари ҳужжатлар асосида исботлаши лозимлигига асосланади.

50. Тарафлар ўртасидаги келиб чиққан келишмовчиликларни аниқлаш учун Комиссия Биржа аъзолари ва ходимларини, шунингдек агентларни жалб қилишга ҳақли.

51. Низоларни муҳокама қилиш жараёнида маълум бир масалаларни ҳал қилиш зарурати туғилган тақдирда, Комиссия мустақил экспертларни жалб қилиш ҳуқуқига эга. Экспертларнинг харажатлари экспертиза тайинлаш ҳақида илтимоснома берган тараф томонидан тўланади, кейинчалик ушбу харажатлар айбдор тарафдан ундирилади.

52. Низо билдирилган талаблар доирасида кўриб чиқилади. Бир нечта мустақил талабларни битта иш юритишга бирлаштиришга иул қўйилади.

53. Аризачи низо юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар билдирилган талабларини ўзгартириш ҳақида ариза бериш йўли билан билдирилган талаблар предметини ўзгартиришга ҳақли. Бунда билдирилган талабларини ўзгартириш ҳақида аризага, ушбу ариза нусхасини низодаги бошқа тарафга юборилганлигини тасдиқловчи далил илова қилиниши керак.

54. Тарафлар ўртасидаги низолар Комиссия мажлисларида кўрилади. Комиссия ҳал қилув қарори қабул қилишда ваколатли бўлиши учун мажлисида унинг камида 3 та аъзоси иштирок этиши керак.

55. Низо мазмунан кўриб бўлингандан кейин, Комиссия шу мажлиснинг ўзида оддий кўпчилик овоз билан ҳал қилув қарори қабул қилади. Ҳал қилув қарори мажлисда иштирок этган барча комиссия аъзолари томонидан имзоланади ва қабул қилинган ҳал қилув қарори бирга иштирок этаётган шахсларга эълон қилинади. Комиссиянинг ҳал қилув қарори комиссия ҳал қилув қарорларини рўйхатга олиш журналида (журнал шакли ушбу Низомнинг 3-иловасида келтирилган) рўйхатга олинади.

56. Қабул қилинган ҳал қилув қарори билан келишмаган комиссия аъзоси ушбу ҳал қилув қарорини имзолаши шарт, аммо ўзининг алоҳида фикрини ёзма равишда беришга ҳақли. Алоҳида фикр ишга қўшилади. Арбитраж муҳокамасининг иштирокчиларининг алоҳида фикр билан танишишига йул қўйилмайди.

57. Комиссиянинг ҳал қилув қарори якуний ҳисобланади ва унинг устидан биржанинг бирор-бир органига шикоят қилинишига йул қўйилмайди. Тарафлар Комиссиянинг ҳал қилув қароридан норози бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд органларига мурожаат қилишлари мумкин.

XI-боб. Комиссиянинг ҳал қилув қарори

58. Комиссиянинг ҳал қилув қарори уни қабул қилган раис ва комиссия аъзолари томонидан имзоланади. Бунда ҳал қилув қарорининг ваколатли бўлиши учун комиссиянинг камида 3 та аъзоси томонидан имзоланиши керак.

59. Комиссия қарори қабул қилинган кундан бошлаб кучга киради ва Биржанинг барча таркибий тузилмалари ҳамда биржа аъзолари ижро қилиши учун мажбурий ҳисобланади.

60. Агар ҳал қилув қарори ижро қилинмаса, фойдасига ҳал қилув қарори қабул қилинган тараф Комиссияга тегишли ариза билан мурожаат қилади. Кейинчалик Комиссия тегишли чоралар кўриш учун аниқ таклифлар билан биржа Бошқарувиغا мурожаат қилади.

61. Комиссиянинг ҳал қилув қарори кириш, баён, асословчи ва хулоса қисмларидан иборат бўлади.

Ҳал қилув қарорининг кириш қисмида ҳал қилув қарорини қабул қилган Комиссия номи, унинг таркиби, тартиб рақами, санаси ва Арбитраж муҳокамасининг

жойи, ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи, низо предмети, мажлисда иштирок этувчи шахслар фамилиялари ва уларнинг ваколатлари кўрсатилади.

Ҳал қилув қарорининг баён қисми аризанинг қисқача мазмунини, ариза бўйича фикрларни, ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтришларини ўз ичига олиши керак.

Ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида комиссия томонидан аниқланган ишнинг моҳияти, комиссиянинг хулосасига асос бўлган далиллар, тақдим этилган далилларни қабул қилиш ёки рад этиш, ишда иштирок этувчи шахслар томонидан келтирилган қонун ҳужжатларни қўлламаслик учун асослар, шунингдек, комиссия ҳал қилув қарорини қабул қилиш учун қўллаган қонун ҳужжатлари кўрсатилиши керак.

Ҳал қилув қарорининг хулоса қисми ҳар бир талабни қаноатлантириш ёки қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги хулосалар кўрсатилиши керак. Ишда бир нечта аризачи ва қарши тарафлар иштирок этган тақдирда, ҳал қилув қароридан низо уларнинг ҳар бирига нисбатан қандай ҳал этилганлиги кўрсатилади.

62. Комиссиянинг ҳал қилув қарори тарафларга фақат уларнинг аризалари асосида, ариза комиссияга келиб тушган пайтдан бошлаб беш иш куни ичида юборилади.

63. Комиссия ҳал қилув қароридан кўчирма (хулоса қисми) Биржанинг ХХКПга жарималарни тўлаш қисми бўйича, биржанинг бошқа таркибий тузилмаларига уларга тааллуқли қисмини ижро қилиш учун юборилади.

64. Биржа аъзолари томонидан Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари, шунингдек "ЎзРТХБ"да биржа савдоларини ўтказиш Қоидалари бузилганлиги ҳолатлари аниқланса, Комиссиянинг ҳал қилув қароридан ушбу ҳолатлар мавжудлиги кўрсатилади. Комиссия раиси томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан бошлаб уч кун ичида билдиришнома расмийлаштирилиб, Интизом комиссиясига юборилади. Биржа аъзосининг айби мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш ва тегишли чоралар кўриш учун Билдиришномага ҳал қилув қарорининг нусхаси (зарур ҳолларда тегишли бошқа ҳужжатлар илова қилинади) илова қилинади.

65. Комиссия ўз ташаббуси билан ёки тарафлардан бирининг аризасига асосан қабул қилинган ҳал қилув қароридан техник хатоларни ёки аниқ кўриниб турган хатоликларни тузатишга ҳақли.

ХП-боб. Комиссиянинг ҳал қилув қарорини қайта кўриш тартиби

66. Комиссия ўзи қабул қилган ҳал қилув қарорини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриши мумкин.

67. Қайта кўриш учун қуйидагилар асос бўлади:

Аризачига, унинг қарши тарафига ёки Биржанинг таркибий тузилмасига маълум бўлмаган ва маълум бўлиши мумкин бўлмаган иш учун муҳим ҳолатлар;

Гувоҳнинг била туриб ёлғон кўрсатувлар бергани, экспертнинг била туриб ёлғон хулоса бергани, таржимоннинг била туриб нотўғри таржима қилгани, ҳужжатлар ёки

ашёвий далилларнинг сохталиги, бу ҳол Комиссия томонидан ноқонуний ва асосланмаган ҳал қилув қарори қабул қилинишига сабаб бўлган бўлса;

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг ёки улар вакилларининг ёхуд Биржа аъзоларининг ишни кўриш вақтидаги суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган жиноий қилмишлари;

Комиссия томонидан қабул қилинган у ёки бу ҳал қилув қарорининг нотўғрилигини белгилайдиган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ижро қилиш учун мажбурий бўлган қонуний кучга кирган суд ҳужжати ёки бошқа давлат органининг ҳужжати тақдим қилинганлиги.

68. Комиссиянинг ҳал қилув қарорини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги ариза ишда иштирок этувчи шахслар томонидан қайта кўриш учун асос бўлувчи ҳолатлар аниқланган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай берилиши мумкин.

69. Ҳал қилув қарорини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги ариза бериш ва низоларни Комиссия томонидан кўриш ушбу Низомнинг VI ва X бобларида кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

70. Комиссия ҳал қилув қарорини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги аризани кўриб, аризани қаноатлантиради ва ҳал қилув қарорини бекор қилади ёхуд қайта кўришни рад этади, бу ҳақда ажрим чиқарилади. Ажрим Комиссия раиси ва ҳал қилув қарорини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги аризани мажлисда кўришда иштирок этган Комиссия аъзолари томонидан имзоланади.

71. Илгари қабул қилинган ҳал қилув қарори бекор қилинган тақдирда, ишни мазмунан кўриш ушбу Низомда белгиланган бошидан бошланади.

XIII-боб. Яқуний қоидалар

72. Ушбу низом биржа Бошқаруви томонидан тасдиқланади ва Биржанинг расмий сайтида эълон қилинган кундан бошлаб беш кун муддат ўтгач кучга киради.

73. Ушбу Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар, шунингдек амалдаги "ЎзРТХБ" АЖ Арбитраж комиссияси тўғрисида"ги Низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақидаги қарор биржа Бошқаруви томонидан қабул қилинади ва Биржанинг расмий сайтида эълон қилинган кундан бошлаб беш кун муддат ўтгач кучга киради.